

Ислом молиясини жорий қилиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланди



11:56 / 04.09.2024 1883

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги ПФ-132-сонли фармони билан 2024 йил ноябрга қадар мамлакатимизда ислом молиясини жорий қилиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланди (https://t.me/advokat_usmanov/83).

Ушбу фармон бажарилишини таъминлаш Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига топширилди.

Масъул идоралар сифатида Олий мажлис ва Вазирлар маҳкамаси кўрсатилганлиги қонун лойиҳаси белгиланган муддатларда алоқадор мутасадди ташкилотлар ва масъул шахслар томонидан кўриб чиқилиб, бу йил қабул қилинишига катта умид беради.